



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2015 йил 6 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 80 (12.893)

Баҳоси эркин нарҳда

ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон раҳбари номига Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиндан келган қутловда Хитой ҳукумати ва халқи номидан самимий табрик ва эзгу истаклар билдирилган.

Қутловда Ислам Каримов раҳбарлигида Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик, иқтисодий тараққиёт ва халқ фаровонлиги юксалиб, халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузи муттасил ошиб бораётгани таъкидланган. Ўзбекистон давлат қурилишининг барча соҳаларида бундан буён ҳам янги ва янада улкан муваффақиятларга эришишига ишонч билдирилган.

ХХР раҳбари Хитой ва Ўзбекистон ҳамкорлиги ўзаро ишонч, дўстлик ва самимий муносабатларга асосланганини таъкидлаган. Дипломатик алоқалар ўрнатилганидан буён ўтган 23 йил мобайнида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда изчил ривожланиш суръатлари сақланиб келмоқда, сиёсий соҳадаги ўзаро ишонч ҳар томонлама мустаҳкамланиб, манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатлари ривожланмоқда.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлигининг ривожланиш суръатини юксак баҳолаб, ўзаро стратегик шериклик муносабатларини мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида янги босқичга кўтариш учун биргаликда ҳаракат қилишга тайёр эканини билдирган.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ислам Каримовни сайловда ишончли ғалаба қозонгани билан самимий қутлаган.

Қутловда сайлов якунлари Ислам Каримов мамлакатда юксак обрў-эътиборга эга эканини тўлиқ тасдиқлаши қайд этилган. Бу, шубҳасиз, Ислам Каримовнинг давлат раҳбари сифатидаги хизматларининг, Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб вазифаларини ҳал этишда эришаётган ютуқларининг кенг эътирофидан далолатдир.

Россия Президенти Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги иттифоқчилик ва стратегик шериклик мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлаб, ўзаро муносабатларни, минтақавий ва халқаро соҳада амалий ҳамкорлиқни янада ривожлантириш бўйича дўстона мулоқот ҳамда биргаликдаги ҳаракатларни давом эттиришга тайёр эканини билдирган.

Шунингдек,
Корея Республикаси Президенти – Пак Кин Хэ
Италия Республикаси Президенти – Сержо Маттарелла
Туркия Республикаси Президенти – Ражаб Таййиб Эрдоган
Латвия Республикаси Президенти – Андрис Берзиньш
Қозғоғистон Республикаси Президенти – Нурсултон Назарбаев
Туркменистон Президенти – Гурбангули Берdimухамедов
Тожикистон Республикаси Президенти – Имомали Раҳмон
Озарбайжон Республикаси Президенти – Илҳом Алиев
Беларусь Республикаси Президенти – Александр Лукашенко
Грузия Бош вазири – Ираклий Гарибашвили
Бангладеш Халқ Республикаси Президенти – Абдул Ҳамид
Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири – Шайх Ҳасина Вазед
Корея Республикасининг собиқ Президенти – Ли Мён Бак
МДХ Ижроия қўмитаси раиси –
Ижрочи котиби – Сергей Лебедев
Европа Парламенти вице-президенти – Ричард Чарнецки
Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг
Минтақавий аксилтеррор
Тузилмаси Ижроия қўмитаси директори – Чжан Синьфэн
Япония парламенти Маслаҳатчилар
палатаси депутати – Кёко Накаяма
«ЛУКОЙЛ» нефть компанияси президенти – Вагит Алекперов
«Транснефть» АК ОАЖ вице-президенти – Владимир Рушайло
М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат
университети ректори, академик – Виктор Садовничий
Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт
университети ректори, профессор – Виктор Гришин
Давлатлараро авиация қўмитаси раиси – Татьяна Анодина
ИТАР-ТАСС Бош директори – Сергей Михайлов
АҚШ ва Канада Бухоро яхудиёлари
конгресси президенти – Борис Қандов
«INITEC Energia S.A.» компанияси
бош директори – Франсиско Хавьер Гомес Гарсиа
ҳам табрик йўллаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



КООПЕРАЦИЯНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржанинг биринчи босқичи бошланди

Бугун мамлакатимизни тараққий эттиришнинг иқтисодий модели дунёдаги энг барқарор ва жадал ривожланаётган моделлардан биридир. Бу борада мамлакатимизда кенг қўламли ислохотларни фаол давом эттириш, асосий тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш, шунингдек, ишлаб чиқарувчилар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали замонвий, диверсификацияланган ва рақобатбардор иқтисодиётни шакллантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этаётди.

Айни пайтда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чўқурлашти-

риш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш иқтисодий тараққиёт ва иқтисодиётни ислоҳ этишнинг муҳим омилдир. Мамлакатимиз саноат ишлаб чиқариши ҳажмида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар кўрсаткичларининг бунинг ёрқин тасдиғидир. Бу кўрсаткич 2005 йилда 9,2 фоиз бўлган бўлса, 2014 йилда қарийб 20 фоизни ташкил этди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржани ўтказишдан асосий мақсад ҳўжалик юритувчи субъектларга ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида маълумотлар бериш, ҳамкорлар топиш, маҳсулотларни етказиб бериш, жумладан, экспорт қилиш

бўйича шартномалар тузишга қўлашадиган иборатдир.

Саноатчиларнинг асосий форуми мамлакатимиз раҳбарининг 2007 йил 12 ноябрдаги «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кўнатириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони, 2009 йил 1 декабрдаги «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бўловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чўқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ва 2013 йил 29 январда қабул қилинган «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини янада ошириш ва товарларни республикага оққонуний олиб киришга қарши курашни кўнатириш тўғрисида»-ги Қарорларига мувофиқ, ҳар йили ўтказиб келинмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ТАРИХНИ ҲАҚҚОНИЙ ЎРГАНИШ — БУРЧИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида «Таълим муассасаларида Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва ўқитишнинг долзарб масалалари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Фанлар академияси, вазирлик ва идоралар, иқидий бирлашмалар мутасаддилари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, журналистлар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Н.Умаров, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Шодмонов, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Б.Абдуҳалимов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори А.Абдувоҳидов ва бошқалар мамлакатимизда тарихимизни ҳолис ва ҳаққоний ўрганиш, буюк аждодларимизнинг бой илмий-маърифий мероси, қадимий шаҳарларимизнинг жайҳон тамаддунида тутган ўрнини ҳар томонлама тадиқ этиш масалаларига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 16 декабрдаги «Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида»-ги ҳамда 1998 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»-ги қарорлари ўзбек халқи давлатчилиги тарихини ҳолисона ўрганишнинг илмий асосларини шакллантириш, тадиқотларни замонвий талаблар даражасига олиб чиқиш бўйича муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажақ йўқ» асарида ўзбек давлатчилиги тарихини ёритишнинг назарий концепциялари, бу борадаги долзарб вазифалар белгилаб берилган. Давлатимиз раҳбари 2015 йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида мамлакатимизда мустақиллиқни қўлга киритгунга қадар бўлган яқин тарихимизда рўй берган воқеа-ҳодисаларни ёш авлод онгига етказиш, тарихни чўқур ўрганиш борасида жамоатчилик, олимлар ва мутахассислар олдида турган долзарб вазифалар хусусида алоҳида тўхтади.

Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч», «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» каби асарлари асосида ўқув масканларида факультатив дарслар кенг йўлга қўйилгани ёшларни тарихимизга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида қамол топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда тарихни ўрганишда тизимли-таҳлилий ёндашуни кенг йўлга қўйиш, ўқув дастурларига миллий истиқлол ғоясини чўқур сингдириш, дарсларда архив манбалари, ўқитишнинг илғор усуллари, мультимедияли воситалардан самарали фойдаланиш, машғулотларга тарихчи олимлар, археологлар, маданиятшуносларни жалб этиш зарурлиги таъкидланди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда Президентимизнинг 2015 йил 18 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, унда белгиланган вазифалар хусусида сўз юритилди.

● Нукусда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва узумчиликни ривожлантириш масалаларига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Фермерлар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда қишлоқ ҳўжалиги корхоналари раҳбарлари, фермерлар, тажрибали боғбон ва мутахассислар иштирок этди.

● Андижонда VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар худудий ярмаркаси бўлиб ўтди. Тадбиркорлик субъектлари, фермер ҳўжаликлари, тижорат банклари вакиллари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабалар иштирок этган ярмаркада Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлари, илмий-тадиқот институтлари ва марказлари олимлари ўзларининг илғор инновацион ғоялари, технология ва лойиҳалари, илмий ишланмалари билан қатнашди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ахборот-ресурс маркази болалар кутубхонасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Ушбу зиё маскани қурилишига 4 миллиард 125 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, кутубхонада жажжи китобсеварлар учун барча қулайлик яратилган. 36 ўринли ўқув зали, 24 ўринли компьютер хонаси, 50 ўринли мажлислар зали ҳамда маслаҳат хонаси замонвий тарзда жиҳозланган.

● Бухоро туманидаги «Арбоб Файбулла» фермер ҳўжалигида баҳорги агротехник тадбирларни самарали ташкил этиш ва чигит экиш масалаларига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимлари, мутахассислар ва фермер ҳўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Чехияда юк машинасига жойланган бананлар орасига яшириб қўйилган рекорд даражасидаги кокаин гиёҳвандлик моддаси топилди. Ушбу кучли гиёҳванд модданинг миқдори 100 килограммдан ошди.

● Боливиянинг Теопонти шаҳарчаси атрофидаги кўприк қонида 20 метр чуқурликда кончилар ишлаётган пайтда ернинг босиб қолиши натижасида 7 нафар шахта ходими ҳаётдан кўз юмди.

● Франция парламенти модалар намоиши билан шуғулланувчи жуда озгин моделларга ушбу соҳада фаолият кўрсатишни таъкидлаш ҳақидаги қонунни имзолади. Бу борадаги қонунбузилишлар учун олти ойлик қамок жазоси ва 75 минг евро миқдоридаги жарима белгиланди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** Чилонзор туман ҳокимлиги ҳовлисида жойлаш-

ган «Камолот» боғбонлари тажриба синов майдончасида «Тошкент — меҳмондўст шаҳар» фестивали ўтказилади.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статис-

тика институтида «Тўғри овқатланиш — саломатлик гарови» шиори остида тадбир бўлиб ўтади.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Ички ишлар вазирлигининг

ёнгин хавфсизлиги бош бошқармасида «Давлат ёнгин назоратининг энг яхши инспектори» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ташкил этилди.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги

ОБОД МАҲАЛЛАЛАР — ЮРТИМИЗ КЎРКИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 мартдаги фармойишига мувофиқ мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги давом этмоқда.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида ҳам ойлик доирасида кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлимида маълум қилишларича, ҳудудда ҳашарлар ўтказилиб, дархатларни оқлаш, шакл бериш, мевали ва манзарали дархат, гул кўчатлари экиш, майдон ва қабристонларни тартибга келтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Туманда бир қатор ижтимоий инфратузилма объектилари фойдаланишга топширилди. Хусусан, ўнга яқин болалар майдончаси

барпо этилди. Кўшчиноҳ маҳалласида икки қаватли янги гузар ишга туширилди. Хомийлар кўмаги билан барпо этилган ушбу гузарнинг биринчи қавати маҳалла фуқаролари йиғини ихтиёрига берилди. Бу ерда ёшлар ва хотин-қизлар учун турли тўғараклар очил режалаштирилган.

— Анъанавий ҳашарлар тўғрисида ҳудудимиз тобора қизиқиб бормоқда, — дейди «Кўшчиноҳ» маҳалла фуқаролари йиғини раиси Раёно Аҳмедова. — Маҳалламиз аҳли бундай тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Ойлик доирасида маҳалламиз ҳудудига

юз тупдан ортиқ арча ва бошқа манзарали, саксон тугга яқин мевали дархат кўчатлари экилди.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этишда маҳаллага уй-хўй мулкдорлари ширкатлари яқиндан кўмак бераётди. Кўп қаватли уйлар атрофидаги ўнга болалар ўйин майдончаси кичкинтойлар хизматида. Жорий йилда яна икки майдонча барпо этилиб, замонавий ўйин қурilmалари билан жиҳозланди.

Саккиз мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган Шарқ ҳақиқати маҳалласида ҳовлилар, ариқ ёқалари ва бўш турган жойларга уч минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали кўчат ўтказилди. Маҳалла фуқаролари йиғини ер майдонларидан самарали фойдаланиш мақсадида интенсив боғлар яратишга эътибор қаратилмоқда. Маҳаллада

ҳар шанба ва якшанба кўни ҳашар уюштирилиб, теварак-атроф тозаланмоқда, чиқиндилар белгиланган жойга чиқариб ташланмоқда.

— Ободликка интилиб яшаш халқимизнинг эзгу фазилатларидан, — дейди маҳалла оқсоқоли Шавкат Ирисметов. — Ободонлаштириш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этиш, бу жараёнда аҳоли, айниқса, ёшларнинг фаол иштирокини таъминлашда маҳалла фаоллари бош-қош бўлмоқда. Маҳалламиз кўчаларини таъмирлаш ва асфальтлаш режа асосида амалга ошириляптир. Шу кунгача ўн тўртта кўча таъмирланди.

Маҳалла ҳудудида «Ёшлик» спорт мажмуаси, 313-мактаб ва 52-оилавий поликлиника филиали жойлашган. Ушбу иншоотлар атрофидаги майдонларда мўъжаз боғлар барпо этилган. Ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, ёшлар боғларни парваришлаб, янги экилган ниҳолларга ишлов бериб келмоқда. Фаол ёшлардан тўзилган гуруҳлар нурунийларнинг хонадонига бориб, уларга уй ишларида кўмаклашмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДА 2015 ЙИЛ УЧУН ҲАҚ ТЎЛНАДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги «Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 йил 7-сон, 40-модда) ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан «ишсиз» деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида;

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Мирзо Улуғбек туманида 2015 йил учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳбарларига: иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин; жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоиз иш берувчилар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан, бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан, 25 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин;

туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларнинг жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кун муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.

3. Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Н.Норбаев): корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин; ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.

4. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (Қ.Икромов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Компьютерлаштириш маркази» ДУКнинг Мирзо Улуғбек туман тармоқ администратори (М.Алимов):

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида мазкур қарорнинг расмий эълон қилиниши ва www.mirzoulugbek.poytaxt.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлга кирди.

6. Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг 2014 йил 9 январдаги «Мирзо Улуғбек туманида 2014 йил учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги 22-сонли қарори ўз кучини йўқотганини инобатга олинсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Бакиев зиммасига юклансин.

Туман ҳокими
Ш.Аҳмедов

2015 йил 10 февраль

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали таништириш мумкин.

ЗУККОЛАР БЕЛЛАШУВИ

Сергели туманидаги 285-умумтаълим мактабида Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти «Сергели Ўқув СТК» унитар корхонаси қошида фаолият кўрсатаётган «Жасорат» ватанпарварлик тўғрисида аъзолари иштирокида «Заковат» ўйини ўтказилди.

«Ватанпарвар» ташкилоти «Сергели Ўқув СТК» унитар корхонаси томонидан ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирда зукко, билимдон ёшлардан иборат «Баркамол авлод», «Зукколар», «Истиқлол», «Келахак авлод» ва «Билимдонлар» жамоалари ўзаро баҳс юритди.

Тадбир «Қамолот» ЁИХ туман Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими вакиллари томонидан ҳамкорликда ташкил этилиб, унга фахрий ҳарбийлар ҳам тақдир қилинди.

Қизқарли беллашувларга бой тарзда ўтган тадбирда 1-ўринни «Зукколар» жамоаси эгаллади. Ҳалиб ва тадбирни юқори савияда ташкил этишда ёрдам берган мактаб раҳбариятига ташкилотчилар томонидан диплом, фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Замира РАҲМОНОВА

ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИНИНГ ҚУЛАЙЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасида «Товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштиришнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги аҳамияти ва эришилаётган натижалар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги «Товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги қарори асосида 2013 йил 1 январдан бошлаб товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштириш тартиби жорий қилинди. Мазкур қарор ижросидан келиб чиқиб, «Электрон декларациялаш» ахборот тизими амалга киритилган бўлиб, у орқали тадбиркорлар томонидан декларациялар, товар ва транспорт воситаларига оид ҳужжатлар ҳамда ҳисоботларни божхона органларига марсофадан туриб тақдим этиш ва расмийлаштириш йўлга қўйилди.

Тадбиркорлик субъектларининг божхона постларига умуман келмасдан, фақат интернет орқали божхона расмийлаштирувчи тўлиқ электрон тарзда амалга оширишлари улар билан ишлашда инсон аралашуви омили ва унинг салбий оқибатларини камайтиришга имкон яратмоқда.

— Товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштириш натижасида тадбиркорлик субъектларининг маблағлари ва вақти тежаллашга эришилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш бошқармаси бошлиғи Абдусоби Саидов. — Масалан, 2013 йилда тадбиркорлар томонидан 1,2 млрд. сўмдан ортиқ маблағ божхона юк декларацияларининг қўғоз шаклидаги бланкалари учун сарфланган бўлса, ўтган йилда электрон декларациялаш

натижасида бу йўналишдаги харажатларга барҳам берилди. Нафақат, божхона юк декларациялари, балки у билан бирга топширилиши лозим бўлган турли сертификат, шартнома, юк-кузатув ҳужжатлари каби бир қатор ҳужжатларнинг ҳам электрон шаклда тақдим этилишининг йўлга қўйилиши ўтган йилда тадбиркорлар томонидан 60 тоннага яқин қўғоз тежаллашга хизмат қилди.

2014 йилнинг 1 сентябридан бошлаб шартномаларни Ягона интерактив хизматлар давлат порталида электрон тарзда рўйхатдан ўтказиш интерактив хизматининг жорий этилиши ҳужжалик юртувчи субъектларга қўғозбозликнинг олдини олишга қаратилган яна бир муҳим имкониятни тақдим этди. Биргина, ўтган йил якунига қадар 21,5 миңдан ортиқ шартнома ва қўшимча битимлар электрон шаклда рўйхатдан ўтказилиб, бу жами шартнома ва қўшимча битимларнинг 40 фоизини ташкил қилди.

Муҳим жиҳатлардан яна бири шундаки, электрон декларациялашнинг жорий этилиши тадбиркорлик субъектларини химоя қилиш, улар томонидан божхона қоидалари бузилишининг олдини олиш имконини ҳам бермоқда. Хусусан, ушбу тизим томонидан берилган огоҳлантиришлар натижасида 850 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари томонидан божхона қоидалари бузилишининг олди олинди.

Анжуман давомида иштирокчилар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб олди.

Зафар НАЗАРОВ



ЎЗА олган суратлар

КООПЕРАЦИЯНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Авалги халқаро саноат ярмаркалари ва кооперация биржалари натижалари мамлакатимиз корхоналари ва хорижий шеркларнинг саноат кооперацияси, товарлар етказиб бериш ва харид қилиш борасида ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантириш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишга қизиқиши йил сайин ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Чунончи, ўтган йили тадбирнинг биринчи босқичида 3,8 миңдан ортиқ корхона 19 миңдан зиёд янги турдаги маҳсулотини тақдим этди. Биринчи босқич якунларига қўра, 2014 йилда саноат кооперацияси бўйича маҳсулот етказиб бериш юзасидан қиймати 890,5 миллион сўмлик шартномалар имзоланди. Экспорт шартномаларининг қиймати эса 260,2 миллион долларни ташкил қилди. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржанинг иккинчи босқичида мамлакатимизнинг 1700 дан ортиқ корхона, компания ва ташкилотлари иштирок этди. Улар машинасозлик, автомобилсозлик, электротехника, қурилиш, металлургия, кимё, нефть-газ, озиқ-овқат ва енгил саноат, фармацевтика каби соҳаларга доир 20 миң турдан ортиқ тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни намойиш қилди.

Жорий Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржа ҳам иштирокчиларга манзур бўлади ва унда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари

ри ва истеъмолчилари, шунингдек, хорижий компанияларга қўллаб-янгилликлар тақдим этилади. Мазкур тадбирларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 13 мартдаги «2015 йилда Халқаро саноат ярмарка ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан пухта ҳозирлик қўрилмоқда.

Ушбу тадбир икки босқичда ташкил этилади. Жорий йилги ҳудудий саноат ярмаркалари апрель ойида бошланиши ва июнь ойига қадар давом этади. Тармоқ саноат ярмаркалари яқин кунларда иш бошлайди ва июнь ойи ўрталарида якунланади. Шу йилнинг октябрь ойида IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржа бўлиб ўтади.

Биринчи босқич давомида кичик ва йирик корхоналар ўз маҳсулотини намойиш этиш, ишлаб чиқаришга доир техник янгилликлар, ҳамкор тармоқлар ва корхоналар ютуқлари билан танишиш, ишлаб чиқарилаётган материаллар ҳамда бутловчи буюмларга бўлган яқин истиқболдаги эҳтиёжни аниқлаш имконига эга бўлади. Ҳудудий тадбирлар нияҳонига етгач, иштирокчилар янги турдаги саноат маҳсулотларини ўзлаштириш бўйича ўзаро қилишувларга эришади.

Иккинчи босқичда эса ушбу қилишувлар маҳсулот етказиб бериш шартномаларига айлантирилади ва бу ишлаб чиқарувчиларнинг кейинги йилги буюртмалар портфелини

ташкил этади. Икки босқич ўртасидаги муддатда корхоналарда янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилиши, маҳсулотларнинг тажриба намуналари тайёрланиши, шунингдек, буюртмачилар билан келишилган ҳолда, ўзлаштирилаётган маҳсулотнинг техник параметрлари талаб даражасига етказилади.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржа доирасида мамлакатимизнинг етакчи саноат корхоналари ҳамкорлиги тақдиф этиш мақсадида ўз тақдимотларини ўтказиш, иштирокчилар Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржа дирекцияси томонидан ҳар йили нашр этилаётган Ўзбекистон саноат маҳсулотлари каталоги ёрдамида ишлаб чиқарилаётган товарлар ва қўрсатилаётган хизматлар, шунингдек, импорт қилинаётган маҳсулотлар билан танишиш имконига эга бўлади. Мазкур каталогнинг электрон шакли билан www.cooper.uz сайтида танишиш ва унда корхонани рўйхатдан ўтказиш мумкин.

Муҳтасар айтганда, навбатдаги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржа ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ўзаро самарали ҳамкорлик механизми мустаҳкамлаб, иштирокчилар ва таширф буюрувчиларга корхоналар тақдимотлари, уларнинг техник ва технология имкониятлари, ютуқлари билан танишиш, ўзаро тажриба алмашиш имконини беради.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

Тошкент шаҳрида кўчмас мулкка бўлган талаб кундан-кунга ортиб, мулкдорлар сафи кенгаймоқда. Шу билан бирга, ушбу кўчмас мулк объектиларига тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни қонунда белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Лекин, барча мулкдорлар ҳам ўзларига тегишли бўлган кўчмас мулк объектини давлат кадастр рўйхатидан ўтказиш мажбурийлиги ёки кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни ўз вақтида давлат кадастр рўйхатидан ўтказмаслик қандай қонунбузилиш ҳолатларига олиб келиши ҳақида билишадими? деган ўринли саволнинг тўғилиши табиий.

Бугунги кунда, баъзи мулкдорларимизнинг амалдаги қонун ҳужжатларини тушуниб етмаслиги ёки уларга зид равишда иш олиб бораётганлиги ҳолатлари учраб турибди. Яъни, айрим мулкдорлар фойдаланишдаги ер майдонлари ва бино-иншоотларига бўлган ҳуқуқларни ўз вақтида давлат рўйхатидан ўтказмаганликлари сабабли, ер ва мулк солиғи тушувларида ноаниқликлар келиб чиқмоқда. Бунинг оқибатида, мулкдорлар билан давлат солиқ инспекциялари ўртасида турли низолар ҳамда кўчмас мулк объектилари билан боғлиқ битимларни тузиш учун банк муассасалари ва давлат нотариал идораларига маълумотномалар тақдим этишда муаммолар келиб чиқмоқда.

Ҳар бир мулкдор ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиши лозим.

Шу боис, мулкдорларни қонун олдидаги жавобгарлиги ҳақида огоҳлантиришимиз шарт.

КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ КАДАСТР РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИНГ

такомиллаштириш тўғрисида»ги Низомга асосан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларга янада қулайлик яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 июлдаги 186-сонли «Кадастр ҳужжатларини тайёрлаш бўйича давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан кўчмас мулкларни, давлат кўчмас мулк объектиларини ижарага бериш ва ипотека шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда барча турдаги маълумотномалар бериш бепул амалга оширилмоқда.

Эслатиб ўтиш жоизки, мулкдорлар, қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган маж-

буриятларга амал қилмай, яъни объектни давлат кадастр рўйхатидан ўтказмай туриб, ўзларига тегишли бўлган бино-иншоотларни сотишга, ҳада этишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақиқат эмаслар.

Бундай қонунбузилиш ҳолатларини амалга оширган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 160-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг беш бараваридаги ўн бараваригача миқдорда жарима қўлланилади ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212-моддасига асосан суд органлари томонидан чора кўриш учун юборилади. Шунингдек, ер майдонларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олган шахслар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 229-1-моддасига асосан энг

кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойга қамоқ билан жазоланадилар.

Азиз ҳамшаҳарлар, битимлар асосида олинган кўчмас мулкнингиздан фойдаланишдан аввал, Ўзбекистон Республикасида белгиланган қонунларга амал қилган ҳолда ер участкаси ёки бино-иншоотга бўлган ҳуқуқингизни давлат кадастр рўйхатидан ўтказишни унутманг. Бу билан Сиз ватанимизни ҳуқуқий давлат сифатида янада ривожланишига ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

Ўзингизни қизиқтирган қўшимча савол ва тақдирларингизни www.kadast.uz ҳамда [www.odnokono.uz](http://odnokono.uz) интернет саҳифалари орқали ёки бевосита ойнаинг ҳафтаси шанба кунда Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси биносида ўтказиладиган «Ониқ эшиклар кўни» тадбирида беришингиз мумкинлигини ҳамда 239-35-21 рақамли «Ишонч телефони» фаолият юритаётганлигини маълум қиламиз (манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 2а-уй).

Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маъмурияти

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари пухта ҳимоя қилинишини таъминловчи мустақил суд ҳокимиятини шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар ва комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ КЎРИШНИНГ МУҲИМ МАСАЛАЛАРИ

Одил судловни амалга оширишни таъминловчи ривожланган замонавий талабларга жавоб берадиган қонунчилик базаси яратилди. Умумий юрисдикция судларининг ихтисослаштирилгани уларнинг жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини оширди.

Пойтахтимизда «Фуқаролик ишларини назорат тартибда кўришнинг долзарб масалалари» мавзусида ўтказилган давра суҳбатда шулар ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, судьялар, прокурорлар, олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази директори Н.Жўраев, Юристар малакасини ошириш маркази директори А.Ғафуров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш борасида барча зарур шарт-шароит яратилганини таъкидлади. Судларнинг ваколатлари кенгайтирилиши билан

бирга, одил судловни амалга оширишда уларнинг ҳолислиги ва мустақиллиги кафолатлари мустаҳкамланмоқда.

Суд тизимига замонавий ахборот технологияларининг жорий этилаётгани ишларни кўриб чиқиш тезлиги ва самарадорлигини ошираётди. Жумладан, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда Фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида жорий этилган «Е-SUD» электрон судлов тизими синондан муваффақиятли ўтди. 2014 йилда бу тизим орқали 30 мингга яқин суд буйруғи бериш тўғрисидаги ариза ва 100 га яқин давво-ариза судьялар томонидан кўриб чиқилди. Айни пайтда ушбу тизимни бошқа судлар фаолиятига жорий этиш ва унинг имкониятларини кенгайтириш устида иш олиб борилмоқда.

Суд жараёнида ишларни малакали ва сифатли кўриб чиқишни янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Суд қарорларининг қонунчилиги, асослилиги ва адолатлилигини таъминлашда кассация, апелляция ва назорат инстанциялари имкониятларидан фойдаланилмоқда.

Давра суҳбатда фуқаролик ишлари бўйича судларда назорат тартибда ишларни кўришнинг ўзига хос жиҳатлари, бу борада суд амалиётида вужудга келаётган айрим муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари, соҳага оид қонунчиликни ривожлантириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири



БОЗОРЛАРДА САРХИЛ МАҲСУЛОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Тошкент шаҳар деҳқон бозорларини тартибга солиш, санитария ҳолатини яхшилаш, асосий турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархини барқарор сақлашни таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар режаси асосида пойтахтимиз бозорларида Наврўз ярмаркалари давом этмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси, «Ўздонмаҳсулот», «Ўзвиносаноат-холдинг» компаниялари тизимидаги корхоналар ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркаларда кундалик рўзгор учун керакли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини арзон нархларда харид қилиш мумкин.

Деҳқон бозоримизга ўттизга яқин маҳаллий корхона ва ташкилот томонидан пешма-пеш маҳсулотлар етказиб берилмоқда, — дейди «Олой деҳқон бозори» директори ўринбосари Боймурод Мелиев. — Картошка, пийёз, сархил мевалар, колбаса маҳсулотлари, шарбатлар аҳолига манзур. Банк пластик кар-

талари орқали савдо йўлга қўйилгани хариддорларга қулайлик туғдирмоқда.

Тез-тез бозорга тушиб тураман, — дейди харидор Лола Шодмонова. — Савдо ярмаркалари бозордаги тўкинликни янада ошириб, дармондориларга бой маҳсулотларни узлуксиз харид қилишимизда қўл келмоқда. Буларнинг барчаси халқимиз турмуш фаровонлигига хизмат қилаётди.

«Элга хизмат» шўба корхоналари, фермерлар, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликлари ҳам ярмаркаларга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги 2-сонли академик лицейида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Тошкент шаҳри ва Юнусобод тумани ҳудудий идоралараро комиссиясининг ҳамкорлигида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Унда Юнусобод тумани ҳокимлиги, Тошкент шаҳар ИИББ, Тошкент шаҳар прокуратураси, туман хотин-қизлар қўмитаси ва ички ишлар бошқармаси, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Юнусобод тумани ҳокими Шавкат Азимжанов очиб, 2014 йилда бу борада амалга оширилган ишлар ҳусусида батафсил маълумот бериб ўтди.

— Маълумки, одам савдоси — XXI асрнинг энг долзарб муаммосига айланмоқда, — дейди Юнусобод туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси в.в.б. Нигора Абдурахимова. — Одам савдосига қарши курашиш масаласида давлат ва жамоат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигини таъминлаш, улар ўртасида ўзаро маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида Республика идоралараро комиссияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари, шу қатори туман комиссиялари ҳам ташкил этилган. Хотин-қизлар ўртасида одам савдоси жиноятлари, унинг оғир оқибатлари ҳақида тушунтириш ва тарғибот ишларини янада жадаллаштириш мақсадида тумандаги барча ўрта махсус ўқув юртлири ҳамда маҳаллаларда давра суҳбатларини ташкил этиш бўйича жадал тасдиқланиб, февраль ойи давомида тумандаги белгиланган барча ҳудудларда 123 дан ортиқ тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

Бундан ташқари хотин-қизларни узоқ муддатга чет элга чиқиб кетишларининг олдини олиш борасида ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Чет элдаги ҳар бир аёл билан интернет орқали боғланиб, уларни оилаларига қайтариш чоралари кўрилмоқда. Бундан ташқари, бу каби ҳолатларнинг келиб чиқишининг олдини олиш юзасидан хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, фойдали меҳнатга жалб этиш ва энг асосийси, ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан профилактик тадбирлари уюштирилмоқда.

Тадбир давомида одам савдосига қарши курашиш борасидаги чора-тадбирлар режаси ва ушбу йўналишдаги муаммолар ва камчиликлар, одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш, Республика реабилитация маркази фаолияти ҳақида, давр муаммосига қарши курашишда тарғибот ишларининг аҳамияти ва маҳаллаларда бу каби тадбирларни кучайтириш, яшаш жойларидан узоқ муддатга чиқиб кетган ва қайтиб келган шахслар билан профилактик ишларни олиб бориш, ишга жойлаштириш ҳамда ижтимоий ҳимоялаш ва бошқа долзарб масалалар юзасидан мутасаддиларнинг маърузалари тингланди.

Тадбир сўнггида бу борада тегишли тасвиялар берилди, келгусидаги режалар белгилаб олинди.

(Ўз мухбиримиз)

Мамлакатимизда ёшларга яратиб берилаётган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланган йигит-қизлар турли соҳаларда ютуқларни қўлга киритишмоқда. Бу эса улар келажагининг порлоқ бўлишига хизмат қилиши шубҳасиз.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Лекин айрим ёшларнинг тўғри йўлдан адашишлари, билиб-билмай жиноятга қўл уришларининг ҳам кузатилаётгани ачинарли ҳол. Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида таълим муассасаларида ёшлар ўртасида ички ишлар ходимлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод тумани Кенгаши, туман ИИБ, туман прокуратураси ходимлари билан ҳамкорликда «Вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш» мавзусида ўтказилган семинар-тренинг ҳам шулар жумласидандир.

САЛБИЙ ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Маънавият ва маърифат» марказида «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳарча ётакчилар Кенгаши, шаҳарча Ички ишлар бошқармаси бўлими ҳамда Олмазор тумани прокуратураси ҳамкорлигида одам савдоси, диний экстремизм, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга бағишланган тадбир ташкил этилди.

Тадбирни «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимининг биринчи ўринбосари С. Ҳикматов очиб, ҳозирги кунда нафақат бизнинг юртимизда, балки, бутун дунёда долзарб муаммолардан бирига айланган терроризм, диний экстремизм, жиноятчилик ва уларнинг салбий оқибатлари, мамлакатимиздаги тинчлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ёшларга қаратилган юксак эътибордан тўғри хулоса чиқариш кераклигини таъкидлаб ўтди.

— Одам савдоси, диний экстремизм ўта оғир жиноят ҳисобланиб, бунда инсон устидан тўлиқ назорат ўрнатилиб, қабих мақсадларда фойдаланилади, — дейди «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Ички ишлар бошқармаси бўлими бошлиғи, подполковник Ш.Мирзахонов. — Ҳозирги кунда жабр кўрганларнинг кўпини аёл ва ёшлар ташкил этиши ачинарли ҳолдир.

Тадбирда сўзга чиққан бошқа иштирокчилар ҳам одам савдоси ва диний

экстремизм инсон ва унинг шаъни, кадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара билмаслиги, гирдобига асосан аёл ва ёшларни тортаётганлигини алоҳида таъкидлаб, огоҳликка чақирди.

Дарҳақиқат, юртимизда диний экстремизм, терроризм каби иллатларнинг авж олмаслиги учун доимо серфак ва ҳушёр, асосийси бепарқ бўлмаслигимиз керак.

Зариф НОДИРОВ

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

СИЗ ДОИМО ЭЪЗОЗДАСИЗ

Олмазор туманида жойлашган «Университет» маҳалласида «Қариялар — доим эъзоздасиз» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад — мамлакатимизда пиру бадавлат онахон-отахонларнинг ҳолидан хабар олиш, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш, уларга меҳр-мурувват кўрсатишдан иборат.

Тадбирда сўзга чиққанлар барчани Наврўзи олам билан табриклаб, баҳор байрамида халқимиз орасида кенг тарқалган удумлар, анъаналар эъзозланиши хайру саховат, кексалар дуосини олиш, бева-бечораларга ёрдам қўлини чўзиш каби қадриятларимиз намоён бўлишини таъкидлашди.

Шунингдек, маҳаллада истиқомат қилаётган қарияларга ташкилотчилар томонидан ҳомийлик кўмаги кўрсатилди.

Тадбирда Тошкент Давлат консерваторияси талабалари томонидан дилини хушнуд этувчи куй ва қўшиқлар ижро этилди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу маҳаллада 6705 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилиб улардан 2 нафари 90 ёшни қаршилаган ҳамда 287 нафари 60 ёшдан ошган кексалардир.

— Халқимизда «Қариси бор уйнинг париси бор» деган доно мақол бежизга айтилмаган, — дейди биз билан суҳбатда «Университет» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Малика Бобоқулова. — Кексаларнинг дуосини олишда катта ҳикмат бор. Жорий йилда маҳалламиз томонидан 20 та кам таъминланган оилаларга ҳомийлик қилинди. Шунингдек, 25 та ётуғлик нуронийларимизга байрам дастурхони учун тайёрланган миллий таомлардан сумалак, ош тарқатилди. Имконияти чекланган оилалар ҳолидан хабар олинди. Бундан ташқари, «Оилаларга кириш», «Бандлик», «Таълим-тарбия», «Жиноятчилик профилактикаси», «Саломатлик» каби бешта йўналиш бўйича иш олиб борилади.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

Танловлар

«КАМАЛАК» БИЛИМДОНЛАРИ БАҲС ЮРИТДИ

Шайхонтохур туманидаги 85-умумтаълим мактабида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши томонидан «Камалак» билимдонлари» кўрик-танловининг туман босқичи ташкил этилди.

Танловни ўтказишдан мақсад «Камалак» болалар ташкилоти аъзоларининг «Камалак» ҳамда «Камолот» фаолиятига оид билимларини ўрганиш ва уларнинг ўз салоҳиятларини намоён қилишга замин яратишдан иборатдир.

— Тадбирда Шайхонтохур туманида жойлашган барча умумтаълим мактаблари қамраб олинди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтохур туман Кенгаши раиси Лазиз Тўраев. — «Камалак» билимдонлари кўрик-танлови 4 та шарт асосида ўтказилди. Ёшларнинг ижтимоий фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини намоён қилишга қўмаклашишда мазкур танловнинг ўрни бекиёс.

Биринчи шарт тақдирот деб номланиб, унда мактаб жамоалари ўзларини таништирди ва шу билан бирга қўл меҳнати орқали яратган ижодий ишларини намоён қилишди. Иккинчи шартда ёшлар ҳар хил саҳна кўринишларини кўрсатишди. Саҳна кўринишларида ёшлар ўртасидаги долзарб муаммолар намоён қилиниб, уларнинг ечимларига ҳам тўхталиб ўтишди. Учинчи шарт савол-жавоб деб номланиб, ўқувчиларнинг «Камолот» ва «Камалак» фаолиятига оид билимлари синалди. Тўртинчи шартда жамоалар ижтимоий лойиҳа яратиб, унда долзарб муаммоларни кўрсатиб, унинг мақсад ва вазифаларини тушунтириб ўтишди.

Мазкур шартлар ёшларнинг қизиқишини ривожлантиришга, интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилиши аниқ. Фолиблар шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

(Ўз мухбиримиз)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Бектемир туманидаги тадбиркорлик субъектларининг фаолият юритишлари учун қулайлик яратиш мақсадида тадбиркорларнинг мурожаатлари учун қуйидаги «Ишонч телефон»лари ишлаб турганлигини маълум қиламиз:

295-02-46
(295-02-66) 231-65-26
295-00-57
295-17-06

Ўлкамизда Наврўз шукуҳи

ФАСЛИ
НАВБАҲОРНИНГ
КУЙ-ҚЎШИҚЛАРИ

Баҳор фасли кўнгилларга бир олам қувонч олиб келмоқда. Қишнинг совуғидан энтиккан диллар фасллар келинчаги бўлмиш баҳорни, унинг муаттар, хушбўй гулу лолаларини оряқиб соғинди.

Мухаббат, ёшлик фасли бўлмиш баҳорга куй-қўшиқлар ярашади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Давлат консерваториясида Халқаро танлов ва фестиваллар совриндори «Сўғдиёна» ўзбек давлат халқ чолғулари камер оркестрининг «Фасли навбаҳор ўлди» деб номланган концерт дастури ташкил этилди. Ушбу қизиқарли тадбир Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор Феруза Абдурахимова бадий раҳбарлигида ва дирижёрлигида уюштирилди.

Концерт дастури давомида айниқса халқаро ва республика танловлар совриндори Ўлмас Оллобергановнинг чиқиши муҳлислар олқишига сазовор бўлди. Дастурда тақдим этилган ўзбек миллий ашулалари ва замонавий лирик оҳанглар йиғилганларни хушнуд этди.

Шунингдек, якканавозлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Одилжон Назаров, халқаро ва республика танловлар совриндорлари Бекзод Тўраев, Дилшод Мелибоев ва Қосимжон Назаровлар ўзбек халқ чолғуларининг моҳир ижрочилари эканликларини яна бир бор намойён этдилар. Ижро этилган тароналар муҳлислар қалбида баҳорий кайфият уйғотди.

Мухаббат ХАЛИЛОВА

Олмазор туман истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшма кенгаши томонидан Наврўз байрамини нишонлаш, ёшларимиз қалбида миллий мафкура, миллий ғоя туйғуларини шакллантириш мақсадида Олмазор туман «Камолот» ЁИХ билан ҳамкорликда «Хидир ота» гузариди Сумалак сайли тадбири ўтказилди.

ЁШЛАР ИШТИРОКИДА
СУМАЛАК САЙЛИ

Ушбу тадбирда миллий халқ ўйинлари, аркон тортиш, «Оқ терак — кўк терак» эстафетаси, шахмат-шашка, стол тенниси, югуриш бўйича эстафе-

талар ўтказилди ва ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шунингдек, лицей ва коллежларнинг ўқитувчи ва тала-

балари миллий кийимлар кийиб тайёрлаган Наврўз дастурхони хайъат аъзолари томонидан муносиб баҳоланди. Бунда яшариш ва янгиланиш айёмининг бош таоми сумалак алоҳида ўрин тутди. Танлиқли хонандалар ижросидаги концерт дастури қатнашчиларга яхши кайфият улашди.

(Ўз мухбиримиз)

НАФОСАТ АЙЁМИ — ЎҚУВЧИЛАР
НИГОҲИДА

Гўзаллик, нафосат фасли бўлмиш баҳор атрофга ўзининг сепини ёйиб, ўзгача чирой бахш этмоқда. Ижодкорларни жўшиб ижод қилишга ундайди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур тумани Кенгаши ҳамда 113-умумтаълим мактаби бошланғич ташкилоти билан биргаликда ўқувчилар ўртасида «Юртимда, баҳор» деб номланган расмлар танлови ташкил этилди.

Танловда мактабнинг 4-5-6-7-8-синфларнинг иқтидорли ўқувчилари қатнашиб, бор маҳоратларини кўрсатишди. Мазкур танлов эркин ижод кўринишида ташкил этилди ва ўқувчиларга ўз

ижодларини намойён этишлари учун 45 дақиқа вақт берилди.

Кўрик-танлов натижасида энг чиройли эстетик завқ берадиган расмлар танлаб олинди. Расмларда ёш ижодкорлар юртимизнинг гўзал табиати, баҳорнинг фусункорлигини тасвирлашди. Мустақил юртининг жажжи истеъдод эгаларининг маҳоратлари муносиб баҳоланди.

(Ўз мухбиримиз)

Кўргазмалар

ОНА ЮРТ
ТАРОНАЛАРИ

Тошкент Фотосуратлар уйида таниқли театр ва кино расмони истеъдодли рангтасвирчи Александр Батиковнинг Кексаларни эъзозлаш йили ва Наврўзга бағишланган «Она юрт тароналари» деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.

Кўргазмада тасвирий санъатнинг турли жанр ва йўналишларида ишланган, кенг географияга эга бўлган табиат манзаралари, тоғ ва ўрмонлар, кўчалар, шаҳар ва қишлоқларнинг кўринишлари, йил фасллари, ҳаёт фалсафаси, портретлар, театр спектаклларида ишланган ижод намуналари акс этган. Улар орасидан «Осийшта Ўзбекистон», «Чотқол тонги», «Тошкент қурилмоқда», «Чирчиқ дарёси», «Чорвоқ. Тонг», «Наманган. Баҳор» каби асарлар ўрин олган.

А.Батиков 1939 йили таваллуд топган. П.Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртида, Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида тахсил олган. Талабалик йилларидаёқ, театр ва кино расмони йўналишида таълим олар экан, театрда ишлаб бошлаган. Театрлардаги меҳнат фаолияти йилларида 100 дан ортиқ спектакль безагини яратган. Бир қанча бадий фильмларнинг постановкачи расмони бўлган. Мустақиллик йилларида катта театрлаштирилган томошаларни безатишда фаол қатнашган. Ўзбекистон ва хорижда ташкил этилаётган кўргазмаларда қатнашмоқда. Ўзбекистон Бадий академиясининг Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси. 2003 йилда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими унвони билан тақдирланган.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika Mulk Markazi» АЖ бошланғич баҳоси босқичида босқич охири бориш тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога Тошкент шаҳри Олмазор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 19.08.2014 йилдаги 10-1413/11601-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Лайлитўғон кўчаси, 1-уй манзилда жойлашган «Avto Plaza Service» МЧЖ жарима майдонига сакланган «Эпика» русумли д/р: 01/420 RBA бўлган, 2011 йил и/ч автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 67 225 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 24 апрель куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2015 йил 22 апрель куни соат 18:00. Автотранспорт воситаси билан Олмазор туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин.

Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатал келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «РММ» АЖнинг АИТБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатал пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризаларни қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамий-1 кўчаси, 14-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома № 001580.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва
«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 232-78-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



12 даража илқ, кундузи — 18-20 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, Тошкент шаҳрида 7 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити 7 апрель куни ҳаво ўза-риб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Фарбдан секундида 5-10 тарқалиб кетишига имкониёт яратилади, ифосланишиди. Ҳарорат кечаси — 10-даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 7 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити 7 апрель куни ҳаво ўза-риб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Фарбдан секундида 5-10 тарқалиб кетишига имкониёт яратилади, ифосланишиди. Ҳарорат кечаси — 10-даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 7 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити 7 апрель куни ҳаво ўза-риб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Фарбдан секундида 5-10 тарқалиб кетишига имкониёт яратилади, ифосланишиди. Ҳарорат кечаси — 10-даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 7 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити 7 апрель куни ҳаво ўза-риб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Фарбдан секундида 5-10 тарқалиб кетишига имкониёт яратилади, ифосланишиди. Ҳарорат кечаси — 10-даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 7 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити 7 апрель куни ҳаво ўза-риб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Фарбдан секундида 5-10 тарқалиб кетишига имкониёт яратилади, ифосланишиди. Ҳарорат кечаси — 10-даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 7 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити 7 апрель куни ҳаво ўза-риб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Фарбдан секундида 5-10 тарқалиб кетишига имкониёт яратилади, ифосланишиди. Ҳарорат кечаси — 10-даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 7 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити 7 апрель куни ҳаво ўза-риб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Фарбдан секундида 5-10 тарқалиб кетишига имкониёт яратилади, ифосланишиди. Ҳарорат кечаси — 10-даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 7 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити 7 апрель куни ҳаво ўза-риб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Фарбдан секундида 5-10 тарқалиб кетишига имкониёт яратилади, ифосланишиди. Ҳарорат кечаси — 10-даражаси паст бўлади.

ШАҲАР БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

2007 йилдан буён «Камолот» ЁИХ ташаббуси билан қатор вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган «Камолот» шахмат тахтаси» мусобақаси ёш ҳаваскор шахматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг профессионал спортга дадил қадамлар билан кириб келишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.



Ёшлар ижод саройида «Камолот» шахмат тахтаси» VIII анъанавий республика турнирининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

Мусобақани ташкил этишдан асосий мақсад — ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга қўмаклашиш, ёшлар ўртасида спортнинг шахмат турини янада кенгроқ тарғиб қилиш ва оммавийлаштириш, ҳаваскор ёш шахматчиларни рағбатлантириш, ёшларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, маҳалларда истиқомат қилувчи ёшлар ўртасида ўзаро маданий-спорт алоқаларини йўлга қўйишдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, мусобақанинг куйи босқичлари декабрь-январь ойларида ўтказилиб, унда пойтахтимиздаги 274 та умумтаълим мактаби, 112 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг 13 мингдан ортиқ ҳаваскор ўқувчилари беш (8 ёшгача, 12 ёшгача, 14 ёшгача, 16 ёшгача, 19 ёшдан катта бўлмаган) ёш тоифалари бўйича қатнашди.

«Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали, Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишла-

ри бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган турнирда 110 нафар ёш шахматчилар ўзаро куч сынашди.

Шахматга бўлган қизиқиш саккиз ёшимда уйғонган, — дейди Чилонзор матбаа касб-хунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси Шерзод Хушбаков. — Бунда бобом Хушбоқ Тангриевнинг ўрни катта. Бобомнинг уйда дўстлари билан шахмат ўйнашларини кўриб, оқ, қора дончаларни моҳирона суришларига ҳайрон қолганман. Сўнг шахмат тўғрақларига қатнай бошладим. Шу билан бирга китоблар орқали шахмат бўйича билимларимни оширдим. «Камолот» шахмат тахтаси» мусобақасида кўп бор иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаганман. Бу йилги мусобақанинг шаҳар босқичида иштирок этиш учун коллеж, туман босқичларида фаол қатнашдим.

Мусобақани ФИДЕ ҳаками Акром Тошхўжаев бошқариб борди. Яна бир аҳамиятли жиҳати, Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан кекса авлод вакиллари билан ёшлар ҳамда ҳаваскор шахматчилар ўзаро беллашдилар.

Қизгин тарзда кечган мусобақа давомида ҳаваскор шахматчиларнинг қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро танловлар совриндорлари Нодирбек ва Баҳора Абдусаторовалар томонидан маҳорат дарслари ўтказилди.

Натижаларга кўра ўғил болалар ўртасида Фозилахмад Исмаилов, Мухаммад Жалолов, Жалолдин Ганиев, Моҳир Нишонов, Фарҳод Тоҳиров ғолибликни қўлга киритишди. Қизлар баҳсида эса Зухра Маннопова, Робия Тожиева, Сарвиноз Қиличева, Валерия Караман, Мадинабону Абдуқаҳоровалар биринчи ўринни эгаллашди.

Ёшим саккизда, шахмат ўйнашни яхши кўраман, унинг сирасорларини дадам ўргатганлар, — дейди Бектемир туманидаги 289-умумтаълим мактабининг 2-синф ўқувчиси Умиджон Эшмуродов. — Уйда дадажоним, бобожоним, дўстларим билан шахмат ўйнаб тураман. Шахматдан ташқари футболга қизиқишим кучли.

Ғолиблар ва фаол иштирокчилар турли номинациялар бўйича ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Зийда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов
олган сурат

Тошкент Оқшом
Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМИЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 355

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11431 нускада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси, Қорхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.30